

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**91** Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини та-  
комиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига мувофиқ ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

1. Халқ таълими туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ҳамда улар ҳузурида фаолият кўрсатувчи методик кабинетлар, таълим стандартлари мониторинги бўлимлари (шўъбалари), ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностика марказлари негизда, улардаги мавжуд ходимлар сонини ўртача 5 фоизга қисқартирган ҳолда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилсин.

2. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг лавозим маошлари миқдорлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, зарурат бўлганда, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар томонидан давлат таълим стандартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим, таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини методик таъминлашни ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий ва илғор шаклларини, энг янги педагогик ва ахборот технологияларини, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл ва методларини жорий этиш;

таълим муассасалари томонидан улар ҳузурида ташкил этилган замонавий моддий-техника базасидан, шу жумладан ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мебеллар ва жиҳозлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг касбга йўналтирилишини ва психологик-педагогик диагностикасини, васийликни, болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни, улар билан, шу жумладан ижтимоий ночор болалар билан доимий иш олиб боришни ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда: халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тузилмасини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил

этиш туман (шаҳар) бўлимларининг юқори малакали мутахассислар ва раҳбар ходимлар билан тўлдирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2011 йил учун Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин, бунда халқ таълими ҳудудий органларининг ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг жорий таъминоти молиялаштирилиши Давлат бюджетининг «Таълим» моддаси бўйича назарда тутиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилишини ҳисобга олсин;

методистлар сонининг мақбуллаштирилиши муносабати билан бўшайдиган маблағларни ташкил этилаётган халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга белгиланган тартибда йўналтирсин, бунда уларнинг зарур мебеллар ва компьютер техникаси билан босқичма-босқич тўлиқ жиҳозлашни, шунингдек ахборот нашрлари ва адабиётларга, шу жумладан уларнинг электрон шаклига обуна бўлишни, «Ziyo Net» тармоғидан фойдаланишни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 1 март,  
52-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва  
ташқил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони (ёрдамчи ходимларсиз) — 4794 киши,  
шу жумладан бошқарув ходимлари — 1210 киши;  
методистлар — 3196 киши.

**Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш  
туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг лавозим маошлари  
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Т/р	Лавозимлар номи	Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорлари				
		шаҳарлар-вилоятлар марказлари, Нукус шаҳри ва қишлоқ туманлари		шаҳар туманлари		вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар
		І гуруҳ	ІІ гуруҳ	І гуруҳ	ІІ гуруҳ	
1.	Бўлим мудири	485 140	456 195	456 195	427 696	456 195
2.	Мудир ўринбосари — гуруҳ раҳбари	372 789	346 155	372 789	346 155	346 155
3.	Шўба мудири	372 789	346 155	372 789	346 155	346 155
4.	Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни ташкил этиш бўйича мутахассислар	354 150	328 848	354 150	328 848	328 848
5.	Таълим муассасалари биналарининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланганлиги масалалари бўйича мутахассис (муҳандис)	346 155	319 598	346 155	319 598	319 598
6.	Бухгалтер	248 526	230 770	248 526	230 770	230 770
7.	Иқтисодчи	230 770	213 065	230 770	213 065	213 065
8.	Кадрлар бўйича инспектор	230 770	213 065	230 770	213 065	213 065

Изоҳ: Методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторинги гуруҳлари ходимларининг базавий тариф ставкалари миқдорлари Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига мувофиқ белгиланади.